

Устоз доктор Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳаж



10:30 / 08.09.2022 5409

Ислом илмлари халқаро университети, ҳанафий фикҳи факультети мудир, устоз доктор Салоҳ Муҳаммад Солим Абул Ҳажнинг илмий фаолияти тўғрисида қисқача маълумотлар:

Иордания давлатининг Уммон шаҳридаги Сувайлиҳ минтақасида 1974 йилда туғилган.

2002 йили Бағдод университетининг шариат факультетида ҳанафий фикҳи бўйича олий баҳо билан докторлик даражасини олган.

2006 йили Иорданиядаги Балқо амалий университетининг усулуд дин факультетида асистент (ёрдамчи устоз) вазифасини эгаллаган.

2011 йили Иорданиядаги Ислом илмлари университетидаги Шариат ва қонун факультетида доцент лавозимига эга бўлган.

2016 йили Иорданиядаги Ислом илмлари университетидаги Шариат ва қонун факультетида профессор лавозимини эгаллаган.

Ислом илмлари университетида чоп этилган бир қанча магистрлик ва докторлик илмий ишларида раҳбар сифатида ҳамкорлик қилган. Ироқ, Ҳинд, Шом ва бошқа юртларнинг йирик уламоларидан Қуръон, ҳадис, фикҳ ва бошқа шариат илмлари бўйича ижозалар олган.

Туркия, Фаластин, Ҳинд ва бошқа юртларда ташкил этилган бир қанча конференцияларда иштирок этган.

Иорданиядаги шариат матнларини қадимий услубда ўргатишга ихтисослашган, биринчи бўлиб ташкил этилган «Анворул уламо» деб номланган ўқув марказининг муассиси.

Ҳанафий мазҳабига мувофиқ араб тилида фатво чиқарадиган «Анворул уламо» деб номланган биринчи бўлиб ташкил этилган фатво маркази муассиси ва муфтийси.

Ики йил давомида Таълим ва тарбия вазирлигида мударрис бўлиб ишлаган.

Вақф вазирлиги, Халқаро ислом илмлари университети ва «Анворул уламо» марказларида ташкил этилган бир қанча ихтисослашган фикҳий курсларнинг раҳбари.

Бир қанча китоблар, илмий изланишлар ва илмий мақолаларга муаллифлик қилган ва уларни таҳқиқ этган. Улардан баъзилари қуйидагилар:

Илмий ишлар бўйича:

1. «Ихборур роий би ахбори ибнил ҳанно» («Кўздан кечирувчининг Ибн Ҳанно ҳақидаги хабарлардан хабар бериши»), қўлёзма;
2. Зарнужийнинг «Ихтисору таълимул мутааллим» («Ўқувчига таълим бериш»нинг мухтасари), қўлёзма;
3. «Иршодул Ҳанафий ило ахбори Аҳмад ал-Ҳамавий» («Ҳанафий шахсни Аҳмад ал-Ҳамавийнинг хабарларига йўллаш»), қўлёзма;

4. «Ал-эълум би аълуми Филастин» («Фаластин улуглари хақида билдириш»), қўлёзма, тугалланмаган;
5. Лакнавийнинг «Ал-имому Абу Ҳанифа табақатуҳу ва тавсиқуҳу» («Имом Абу Ҳанифа, у зотнинг табақаси ва сиқа (яъни ишончли)лиги») асари, қўлёзма;
6. «Имомул аимматил фуқаҳои Абу Ҳанифатун Нуъмон» («Фақиҳ имомларнинг имоми Абу Ҳанифа Нўмон»), «Ал-Варроқ» муассасасида чоп этилган, Уммон;
7. «Имконийяту вуқуъил ижмоъ» (Ижмоъ вужудга келишининг имконияти), қўлёзма;
8. Розийнинг «Буғятус соил ало хулосатид далоил ва танқийҳул масоили шарҳил Қудурий» («Далилларнинг хулосаси борасида сўровчининг мақсади ва масалаларни текшириб чиқиш, Қудурийнинг шарҳи»), асари, Дорул фатҳ, Уммон;
9. «Ал-баёну фил аймони ван нузури вал ҳазари вал ибохати» («Қасамлар, назрлар, тақиқлаш ва мубоҳ қилиш борасидаги баён»), «Дорул жинон»да чоп қилинган, Уммон;
10. Ибнул Ҳанноийнинг «Татимматул жалийя ли табақотил ҳанафийя» («Ҳанафийлар табақалари борасида катта қўшимча») асари, қўлёзма;
11. «Ат-туҳфатул бадийъа би ахбори содриш шарийъа» («Содруш Шарийъа хақидаги хабарлар борасида ажойиб туҳфа»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
12. «Танбиҳул Бошо ало ахбори ибн Камол Бошо» («Пошони Ибн Камол Пошонинг хабарларидан воқиф қилиш»), қўлёзма, тугалланмаган;
13. «Ас-симорул жанийя фил фавоидил ҳанафийя» («Ҳанафийларнинг фойдалари хақидаги етилган мевалар»), қўлёзма, тугалланмаган;
14. «Ал-жомиъу фий аҳкомис сиёми вал эътикофи вал ҳажжи вал умрати» («Рўза, эътикоф, ҳаж ва умрага доир ҳукмлар борасида мажмуа»), «Дорул жинон»да чоп қилинган, Уммон;
15. «Ал-жомиъу лил муаллифийна вал муаллафот» (Муаллифлар ва таълиф қилинган асарлар жамланмаси), қўлёзма, тугалланмаган;

16. «Ад-дурарул баҳийя фий ашҳари мадориси ва мударрисид давлатил усмонийя» («Усмонли давлатининг машҳур мадрасалари ва мударрислари ҳақида гўзал дурлар»), қўлёзма, тугалланмаган;
17. «Ар-равзун надийю фий таржимати Раҳматилло ас-Синдий» («Раҳматилло ас-Синдийнинг таржимаи ҳоли ҳақида серсув бўстон»), қўлёзма;
18. «Сабилус сунниййна фин нуҳузи бил муслимийна» («Мусулмонларни уйғотиш (қайта тиклаш) борасида суннийлар тутган йўл»), қўлёзма;
19. «Сабилул вусул ило илмил усул» («Усул илмига эришиш йўли»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
20. «Сабилул вифоқи фий аҳкомиз завожи ван никоҳ» («Никоҳланиш ва талоқ аҳкомлари борасида келишув йўли»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон, Иордания фуқаролик ҳолатлари қонунининг шарҳи;
21. «Завъуд дарорий фий аҳбори Шамсиддин ал-Фаннорий» («Шамсиддин ал-Фаннорий ҳақидаги хабарлар тўғрисида дурлар шуъласи»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
22. «Ғоятул иноя ало умдатир риоя» («Умдатур риоя» (риоя устуни) асарига ғоят катта эътибор»), «Дорул кутубил илмия»да чоп этилган, Байрут;
23. «Фатово яксурус суолу анҳо» («Кўп сўраладиган масалалар борасида фатволар»), қўлёзма;
24. «Ал-фиқҳул муқорин усулуҳу ва осоруҳу ва амсилатуҳу» («Қиёсий фиқҳ, унинг усуллари ва унга мисоллар»), қўлёзма;
25. «Ал-мадҳалул муфассал ли диросатил мазҳабил ҳанафийя» («Ҳанафий мазҳабини ўрганиш борасида муфассал кириш»), «Дорул форуқ»да чоп қилинган, Уммон;
26. «Ал-мадҳалул важийз ли диросатил фиқҳил исломий» («Ислом фиқҳини ўрганиш борасида қисқача кириш»), «Дорул форуқ»да чоп қилинган, Уммон;
27. «Ал-мадҳалу фил фиқҳил исломий ва усулиҳи» («Ислом фиқҳи ва унинг усулларига кириш»), «Аҳли байр» университети томонидан таълиф комиссиясига тартибловчи ва муаллиф сифатида таклиф этилгани асосида.

28. «Ал-мадхалу ило диросатил фикҳил исломий» (Ислом фикҳини ўрганиш борасида кириш), «Дорул жинон»да чоп қилинган, Уммон;
29. «Ал-мирқот шарҳу муқаддиматис салот» («Боғлам, намоз борасидаги муқаддиманинг шарҳи»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
30. «Масорул вусул ило илмил усул» («Усул илмига эришиш йўли»), «Дорул фатҳ»да чоп қилинган, Уммон;
31. «Ал-мишкоту фий аҳкомит таҳорати вас салоти ваз закоти» («Таҳорат, намоз ва закот аҳқомлари борасида таҳмон (мишкот)»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
32. «Мунтаҳон ниқоя ало шарҳил виқоя» («Виқоя» шарҳига сайланманинг ниқояси»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
33. «Ал-минҳожул важийз фий фикҳил ихтилоф» («Ихтилофлар фикҳи борасида қисқача йўриқнома»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
34. «Ал-минҳожул важийз фий фикҳил аймони ван нузури вал ҳазари вал ибохати» («Қасамлар, назрлар, тақиқлаш ва мубоҳ қилиш борасидаги қисқача йўриқнома»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;
35. «Ал-минҳожул важийз фий фикҳит таҳорати вас салоти вас сиёми вал эътиқофи» («Таҳорат, намоз, рўза ва эътиқоф фикҳи борасида қисқача йўриқнома»), «Дорул форуқ»да чоп этилган, Уммон;
36. «Ал-минҳожул важийз фий фикҳил муомалот» («Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар фикҳи борасида қисқача йўриқнома»), «Дорул форуқ»да чоп этилган, Уммон;
37. «Ал-манҳажул фикҳий лил имомил Лакнавий» (Имом Лакнавийнинг фикҳий манҳажини/йўли), «Дорун нафоис»да чоп қилинган, Уммон;
38. «Ал-минҳожул муфассал фий фикҳил муомалот» («Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар фикҳи борасида муфассал йўриқнома»), «Дорул форуқ»да чоп этилган, Уммон;
39. «Ал-минҳожул важийз фил қаваиди ваз завобити вал усулил фикҳийя», («Фикҳий қоида, тартиб ва усуллар борасида қисқача йўриқнома»), «Усулил бино» / «Дорул форуқ»да чоп этилган, Уммон;

40. «Миату далил ва далилун ало вуқуъит талоқис салоси салосан бид далил» («Далилга кўра уч талоқ билан уч талоқ тушиши масаласига бир юз бир далил), қўлёзма;

41. «Нафаҳотус сулук ало тухфатил мулук» («Тухфатул мулук» («Подшоҳларга совға») асарига сулукий совғалар), «Дорул форуқ»да чоп этилган, Уммон;

42. «Вамазотун нури фий талабил илмил мабрури» («Хайрли илмларни талаб қилиш борасидаги чақмоқ шулалари»), «Дорул форуқ»да чоп этилган, Уммон;

Илмий таҳқиқлар бўйича:

1. «Иброзул ғаййил воқеъ фий шифоил ъаййи лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Шифоул ъайй» («Касалнинг шифоси») асаридаги хатоларни кўрсатиш» асари), «Дорул фатҳ»да чоп этилган, Уммон;

2. «Аҳкомус сивок минас сиояти лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Ас-сиоя» асаридаги мисвокка доир ҳукмлар»), қўлёзма;

3. «Иҳкомул қантарати фий аҳкомил басмалати лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Басмала (бисмиллаҳир роҳманир роҳийм)нинг ҳукмлари борасида гумбазни мустаҳкамлаш» асари»), «Дорул башир»да чоп қилинган, Уммон. «Ар-рисола» муассасаси. Байрут;

4. «Ал-ихтиёр ли таълилил мухтор лил мувсилиий» (Мувсилиийнинг «Сайланган (масала)нинг далилини сайлаш» асари), қўлёзма;

5. «Исёдул муфтий ало шарҳи уқуди расмил муфтий ли ибн Обидин» («Ибн Обидиннинг «Муфтийнинг режасига доир шодалар» асарининг шарҳи борасида муфтийни шод қилиш»), ўрганиш ва таҳқиқи, «Дорул башшор»да чоп қилинган, Байрут;

6. «Ал-исъоф фий аҳкомил авқоф лит Тароблусий» («Тароблусийнинг «Вақф ҳукмлари борасида тез ёрдам» асари»), ўрганиш ва таҳқиқ, «Дорул форуқ»да чоп қилинган, Уммон;

7. «Ифодатул хайри фил истиёки би сивокил ғайр лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Бировнинг мисвокидан фойдаланиб мисвок қилиш (тиш ювиш) борасида хайриятларни ифодалаш» асари»), қўлёзма;

8. «Ал-ифсоҳ ан шаҳодатил маръати фил ирзоъи лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Эмизиш борасида аёл кишининг гувоҳлиги ҳақида баён» асари»), қўлёзма;
9. «Окомун нафоис би адоил азкори би лисони форисин лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Зикрларни форс тилида адо қилиш борасида нафис нарсалар тепалиги» асари»), қўлёзма;
10. «Тухфатут талабати фий таҳқиқи масҳир рақаба лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Бўйинга масҳ тортиш борасида талабаларга тухфа» асари»), қўлёзма;
11. «Тухфатул камала ало ҳавоший тухфатит талаба лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Талабаларга тухфа» асарига доир хошиялар борасида комил шахслар учун тухфа»), қўлёзма;
12. «Тухфатун нубалои фий жамоатин нисои лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Намозда аёлларнинг жамоати борасида билимдонларга тухфа» асари»), «Дорул башир»да (Уммон), «Муассасатур рисола»да (Байрут) чоп қилинган;
13. «Таҳқиқул омол фий жавози ихрожи садақатил фитри бил моли ли Аҳмад ас-Сиддиқ ал-Ғуморий» («Аҳмад Сиддиқ Ғуморийнинг «Фитр садақасини мол билан адо қилишнинг жоизлиги борасида умидлар» асарининг таҳқиқи»), қўлёзма;
14. «Ат-таҳқиқул ажйбу фит тасвийби лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Намоздаги тасвиб (намоз бошланганидан огоҳлантириш) борасида ажойиб таҳқиқи» асари»), қўлёзма;
15. «Тадвирул фалаки фий ҳусулил жамоати бил жинни вал малак лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Жин ва фаришталар билан жамоат (намози) ҳосил бўлиши борасида фалакни айлантириш» асари»), қўлёзма;
16. «Тазкиратур рошиди би радди табсиратин ноқиди лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Танқид қилувчининг кўрсатмаларини рад этиш борасида рошид инсонга эслатма» асари»), қўлёзма, тугалланмаган;
17. «Тарвижул жанони би ҳукми шурбид духон лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Папирос чекишнинг ҳукми борасида қалбларни ислоҳ қилиш» асари»), чоп этишга тақдим қилинган;

18. «Тафсилул каломи фий масъалатил иъонати алал ҳароми ли Муҳаммад Шафиъ ал-Усмоний» («Муҳаммад Шафеъ ал-Усмонийнинг «Ҳаромга ёрдам бериш масаласида муфассал калом» асари»), қўлёзма;

19. «Танбеҳул вулоти вал ҳуккоми ало аҳкоми шотими хайрил аноми ав аҳади асҳобиҳил кироми ли Ибн Обидийн» («Ибн Обидиннинг «Башариятнинг энг яхшисини ёки унинг саҳобаларидан бирортасини сўкишнинг ҳукмлари борасида волийлар ва ҳокимларни огоҳлантириш» асари»), қўлёзма;

20. «Ҳасратул олими би вафоти саййидил олами лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Бутун оламлар саййидининг вафотидан олимнинг ҳасрати» асари»), қўлёзма;

21. «Хулосатул афкори шарҳи мухтасарил манор ли ибн Қутлубуғо» («Ибн Қутлубуғонинг «Фикрларнинг хулосаси «Мухтасарул манор»нинг шарҳи» асари»), қўлёзма;

22. «Хайрул хабари фий азони хайрил башар лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Башарият хайрлисининг чақириғи борасида хайрли хабар» асари»), қўлёзма;

23. «Ад-дуррул фарид фий баёни ҳукмит тақлийд ли Аҳмад ал-Ҳамавий» («Аҳмад ал-Ҳамавийнинг «Тақлид ҳукмининг баёни борасида ягона дур» асари»), қўлёзма;

24. «Ад-дурратул мунийфа ало мазҳабил имоми Абий Ҳанийфа лил Азҳарий» («Азҳарийнинг «Имом Абу Ҳанифа мазҳабига мувофиқ олий дур» асари»), қўлёзма;

25. «Рафъус сатри ан кайфияти идҳолил маййити ва тавжиҳиҳи илал қиблати фил қабри лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Маййитни қабрга киритиш ва уни қиблага қаратиб қўйишнинг кайфияти ҳақида пардани кўтариш» асари»), қўлёзма;

26. «Рамзул ҳақоиқ ан шарҳи канзид дақоиқ лил Айний» («Айнийнинг «Ҳақиқатлар рамзи, нозик масалалар хазинаси асарининг шарҳи» асари»), қўлёзма;

27. «Сиёсати нома ли Дада афанди» («Дада афандининг «Сиёсатнома» асари»), қўлёзма;

28. «Шарҳул аҳкомиш шаръийя фил аҳволиш шахсийя ли Қадрий Пошо» («Қадрий Пошонинг «Фуқаролик ҳолатлари борасидаги шаръий ҳукмларнинг шарҳи» асари»), қўлёзма, тугалланмаган;

29. «Шарҳул виқоя ли садриш шариъа ал-Маҳбубий» («Садруш шариъа ал-Маҳбубийнинг «Шарҳул виқоя» асари»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;

30. «Шарҳу мухтасарил манор ли ибн Қутлубуфо» («Ибн Қутлубуфонинг «Мухтасарул манор»га шарҳи»), ўрганиш ва таҳқиқ, «Дорул фатҳ»да чоп қилинган, Уммон;

31. «Табақотул ҳанафийя ли ибн Ҳанноий» («Ибн Ҳанноийнинг «Ҳанафийлар табақалари» асари»), қўлёзма;

32. «Зафарул анфол Ало Ҳавоший ғоятил мақол» («Айтилган сўзларнинг ғояси»га ёзилган ҳошиялар борсида ўлжаларни қўлга киритиш»), қўлёзма;

33. «Умдатур риоя би таҳшияти шарҳил виқоя лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Шарҳул виқоя» асарига ҳошия битиш борасида асос» асари»), «Дорул кутубил илмийя»да чоп қилинган, Байрут;

34. «Ғоятут таҳқиқи ва ниҳоятут тадқиқи фий масоила убтулия биҳо аҳлул ҳарамайни лис Синдий» («Синдийнинг «Икки Ҳарам аҳли мубтало бўлган масалалар борасида таҳқиқнинг чўққиси ва тадқиқотнинг ниҳояси» асари»), қўлёзма;

35. «Ғоятул мақоли фиймо ятааллақу бин ниоли лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Пойабзалга алоқадор нарсалар (ҳукмлар)га доир гап-сўзларнинг ғояси» асари»), қўлёзма;

36. «Ал-фалакул машҳуну фиймо ятааллақу бинтифоъил муртаҳини бил марҳуни лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Гаров молидан гаров ушлаб турувчи томонидан фойдаланишга тегишли ҳукмлар борасида тўлдирилган фалак» асари»), «Дорул башир»да (Уммон) ва «Муассасатур рисола»да (Байрут) чоп қилинган;

37. «Қутул муқтазийн би фатҳил муқтадийн лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Муқтадийларнинг (намозда) луқма беришлари борасида овқатланувчилар учун озуқа» асари»), «Дорул башир»да (Уммон) ва «Муассасатур рисола»да (Байрут) чоп қилинган;

38. «Ал-қавлул ашраф фил фатҳи анил мусҳаф лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Мусҳафдан (намозда) луқма бериш борасида энг шарафли сўз» асари»), «Дорул башир»да (Уммон) ва «Муассасатур рисола»да (Байрут) чоп қилинган;

39. «Ал-қавлул жозим фий суқутил ҳадди би никоҳил маҳорим лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Маҳрамларнинг никоҳи билан ҳадднинг соқит бўлиши борасида қатъий сўз» асари»), қўлёзма;

40. «Ал-қавлу бил эҳсонил амийми фий интифоъил маййити бил қуръонил азийми лил Қаттонил Асқалоний» («Қаттон Асқалонийнинг «Қуръони азимдан ўликларнинг манфаатланиши борасида айтилган умумий эҳсон» асари»), қўлёзма;

41. «Ал-каломул жалил фиймо ятааллақу бил миндийл лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Дастрўмолга тааллуқли ҳукмлар борасида улуғ сўзлар» асари»), қўлёзма;

42. «Ал-лубоб шарҳул киоб лил Майдоний» («Майдонийнинг «Ақл, китобнинг шарҳи» асари»), қўлёзма;

43. «Лисонул ихтидо фий баёнил иқтидо ли Алий ал-Қорий» («Алий Қорийнинг «Иқтидонинг баёни борасида ҳидоят тили» асари»), қўлёзма;

44. «Ал-латоифул мустаҳсана би жамъи хутаби шуҳурис санати лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Йил ойларидаги хутбаларни жамлаш борасида гўзал сўзлар» асари»), «Дорун нафоис»да чоп қилинган, Уммон;

45. «Мадҳус саъйи ва заммул битолати ли Ибн Камол Бошо» («Ибн Камол Пошонинг «Ҳаракатчанликни мақташ ва дангасаликни қоралаш» асари»), қўлёзма;

46. «Муқаддиматус салотил мансуба лил фаннорий вал кайдоний ва Ибн Камол Бошо» («Фаннорий, Кайдоний ва Ибн Камол Бошоларга мансуб бўлган «Намознинг муқаддимаси» асари»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп этилган, Уммон;

47. «Муқаддимату умдатир риоя лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Умдатур риоя» асарига ёзган муқаддимаси»), «Дорул кутубил илмийя»да чоп этилган, Байрут;

48. «Миннатул фаттоҳи ало мароқил фалоҳи лиш Шурунбулолий» («Шурунбулолийнинг «Мароқил фалоҳ (муваффақият боғламлари)»

асарига ёзган «Миннатул Фаттоҳ (Фаттоҳ Зотнинг атоси)» номли шарҳи»), ўрганиш ва таҳқиқ, «Дорул башоир»да чоп қилинган, Байрут;

49. «Мунятул мусоллий ва ғунятул мубтадий лил Қошғарий» («Қошғарийнинг «Намоз ўқувчининг истаги ва янги ўрганувчининг қониқиши» асари»), қўлёзма;

50. «Нузҳатул фикри фий субҳатиз зикри лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Зикрларни санаш борасидаги фикрларга сайр қилиш» асари»), «Дорул фатҳ»да чоп қилинган, Уммон;

51. «Нашрул урфи фий бинои баъзил аҳкоми алал урфи ли Ибн Обидийн» («Ибн Обидиннинг «Баъзи ҳукмларни урф асосига қуриш борасида урфни ёйиш» асари»), қўлёзма;

52. «Нафаҳотун насамоти фий вусули ихдоис савоби лил амвот лис Суружий» («Суружийнинг «Ҳадя қилинган савобнинг ўликларга етиб бориши борасида шабодаларнинг эсиши» асари»), қўлёзма;

53. «Ан-нафҳату би таҳшиятин нузҳати лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Нузҳа» («Назарларга сайр қилиш») асарига ёзган «Нафҳа» (эсиш) номли хошияси»), «Дорул фатҳ»да чоп қилинган, Уммон;

54. «Нафъул муфтий вас соили би жамъи мутафарриқотил масоили лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Турли масалаларни жамлаш борасида муфтий ва савол сўровчига манфаат» асари»), «Дору ибн ҳазм»да чоп қилинган, Уммон;

55. «Нурул анвори шарҳул манор ли Мулло Жийвон» («Мулла Жийвоннинг «Ал-Манор» («Нур таратувчи макон»)га ёзган «Нурул анвор» («Нурларнинг нури») номли шарҳи»), қўлёзма;

56. «Ал-ҳасҳасату би нақзил вузуъи бил қаҳқаҳати лил Лакнавий» («Лакнавийнинг «Қаҳқаҳа билан таҳорат кетиши борасида шивирлаш» асари»), қўлёзма;

57. «Виқоятур ривоя фий масоилил ҳидоя ли Бурҳониш Шариъа» («Бурҳонуш Шарианинг «Ҳидоя масалалари борасида ривоятни сақлаб қолиш» асари»), «Ал-варроқ» муассасасида чоп қилинган, Уммон;

Ёзилган илмий ишлар бўйича:

1. «Асарус салоти алал ҳаёт» («Намознинг ҳаётга таъсири»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йилда Ҳиндистон фикҳ академияси қошидаги «Ал-Мудаввана» журналида чоп этиш учун қабул қилинган;
2. «Ихтилофул фуқаҳо» («Фуқаҳоларнинг ихтилофи»), усул илмига доир саҳифаланган илмий иш. «Диросату улумиш шаръийяти вал қонуни» («Шариат илмлари ва қонунни ўрганиш») журналида чоп этиш учун қабул қилинган (Иордания университети , 2015 й.);
3. «Ихтиёротул имомиш Шурунбулолий фил мароқий» («Мароқи (л фалоҳ)даги имом Шурунбулолийнинг сайланмалари»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йилда Иордания Халқаро ислом илмлари университетининг «Ал-Меъзон» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;
4. «Ихтиёротул имомиш шурунбулолий фий нурил ийзоҳ» («Нурул ийзоҳ («Изоҳ нури») асаридаги Имом Шурунбулолийнинг сайланмалари») саҳифаланган илмий иш. «Диросату улумиш шаръийяти вал қонуни» («Шариат илмлари ва қонунни ўрганиш») журналида чоп этиш учун қабул қилинган (Иордания университети , 2015 й.);
5. «Ихтиёротул қудурий ли ғайри қавли Аби Ҳанифа фий мухтасарихил машҳур» («Қудурийнинг машҳур мухтасар асарида Абу Ҳанифанинг қавлидан бошқа қавлни ихтиёр қилган ўринлари»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Кувайт университетининг «Шариат ва исломий билимлар» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;
6. «Иштироту ризоз завжи фил хулуъ» («Хулуъда эр розилигининг шарт қилиниши»). Саҳифаланган илмий иш, ҳижрий 1436 йили Ҳиндистон фикҳ академияси қошидаги «Ал-мудаввана» журналида чоп этиш учун қабул қилинган;
7. «Ал-эътимоду алан нақлил мутаворас фий мадраситил Куфатил фикҳийя» («Куфа фикҳ мадрасасида авлоддан авлодга ўтиб келаётган нақлга суяниш»). Саҳифаланган илмий иш, 2009 йилнинг охирида Туркия «Сакаря» университетининг «Ислом илмлари усули» журналида нашр қилинган;
8. «Ал-имому Ҳусомиддин Ар-Розий ва манҳажуҳу фий хулосатид далоил» (Имом Ҳусомиддин Ар-Розий ва унинг «Хулосатуд далоил» («Далилларнинг хулосаси») асаридаги манҳаж), илмий иш;

9. «Ал-интиқодоту ало табақоти Ибн Камол Бошо» («Ибн Камол Пошонинг «Табақот» асарига танқидлар»), саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Туркия «Сакаря» университетининг «Ислом илмлари усули» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;
10. «Анвоул мақосиди индал фуқаҳои вал усулийин» («Фақиҳлар ва усул уламолари наздида мақсадларнинг турлари»), илмий иш;
11. «Таҳқиқотул қудусийя ван нафаҳотур раҳмонийятул ҳасанийя лиш Шурунбулолий» («Шурунбулолийнинг «Қудусий таҳқиқотлар ва гўзал раҳмоний неъматлар» асари»), ўрганиш ва таҳқиқ, илмий иш;
12. «Ат-тақсиймуз замоний ли табақотил мужтаҳидийна индал ҳанафийя» («Ҳанафийлар наздидаги мужтаҳидлар табақаларини замон эътиборидан тақсимлаш»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили «Ан-Нажоҳ» университетининг «Инсоний илмлар» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;
13. «Ҳукмут ташаббуҳ би ғайрил муслимийна индал ҳанафийяти» («Ҳанафийлар наздида ўзини ғайримусулмонларга ўшатишнинг ҳукми»). Саҳифаланган илмий иш;
14. «Ал-ҳукмул фикҳий ли тааллуми аҳкомит тажвид» («Тажвид аҳкомларини ўрганишнинг фикҳий ҳукмлари»). Саҳифаланган илмий иш, 2005 йили Мўлтондаги Баҳоуддин Закариё университетининг тиллар ва исломий илмлар факультети қошидаги «Диросот» журналида чоп этилган;
15. «Ҳукму ҳадисил оҳоди фиймо таумму биҳил балво индал ҳанафийяти ва татбиқотуху фий кутубиҳим» («Ҳанафийлар наздида барча бир варакайига мубтало бўладиган нарсалар ҳақидаги оҳод ҳадиснинг ҳукми ва уларнинг ҳанафий мазҳаби китобларидаги татбиқи»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Ҳиндистон фикҳ академияси қошидаги «Ал-Мудававана» журналида чоп этиш учун қабул қилинган;
16. «Ҳукму қассил лиҳяти ва ҳалқиҳо индал ҳанафийяти» («Ҳанафийлар наздида соқолни кесиш ва қиришнинг ҳукми»), саҳифаланган илмий иш;
17. «Хулосатул каломи фий масъалатил иъонати алал ҳароми фил мазҳабил ҳанафийи» («Ҳанафий мазҳабида ҳаромга ёрдам бериш масаласидаги гапларнинг хулосаси»). Саҳифаланган илмий иш, 2010 йили Туркиядаги «Сакаря» университетининг «Ислом илмлари усули» журналида нашр қилинган;

18. «Даражатул имомиш Шурунбулолий фил ижтиҳод» («Имом Шурунбулолийнинг ижтиҳоддаги даражаси»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Ҳиндистон фиқҳ академияси қошидаги «Ал-Мудаввана» журналида чоп этилган;

19. «Ас-Суннатул мутавотирату индал фуқаҳои ва татбиқотуҳо индал ҳанафийяти» («Фуқаҳолар наздидаги мутавотир суннат ва ҳанафийлар наздида уларнинг татбиқ этилиши»). Саҳифаланган илмий иш, 2011 йили Ғазодаги Ислом университетининг журналида чоп этилган;

20. «Ас-Суннатул машҳура индал ҳанафийяти ва татбийқотуҳо фий кутубихим» («Ҳанафийлар наздидаги машҳур суннат ва унинг ҳанафий мазҳаби китобларидаги татбиқи»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Ҳиндистон фиқҳ академияси қошидаги «Ал-Мудаввана» журналида чоп этиш учун қабул қилинган;

21. «Шумулу мафҳумис суннати ли тасарруфотис саҳобати» («Суннат тушунчасининг саҳобалар тасарруфларини ҳам ўз ичига қамраб олиши»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Туркиядаги «Сакарья» университетининг «Ислом илмлари усули» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;

22. «Табақотул ҳанафийя ли Ибн Камол Бошо» («Ибн Камол Пошонинг (вафоти 940 ҳ.) «Фуқаҳоларнинг табақалари» асари»). Илмий изланиш ва таҳқиқ, саҳифаланган илмий иш. 2015 йили Кувайт университетининг «Шариат ва исломий билимлар» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;

23. «Туруқу муолажатил журъати алал фатво ва маърифатул фиқҳи вал муфтил муътабар» («Фатвога бўлган журъатни муолажа қилиш, фиқҳни билиш ва муътабар муфтийни аниқлаш йўллари»). Саҳифаланган илмий иш;

24. «Уқуду расмил муфтий ли Ибн Обидийн» (Ибн Обидиннинг «Муфтийнинг режасига доир шодалар» асари), ўрганиш ва таҳқиқ, илмий иш;

25. «Ал-фарқу байнат тамазҳуби ват таъассуби» («Мазҳабни ушлаш ва мутассиблик қилиш ўртасидаги фарқ). Саҳифаланган илмий иш;

26. «Ал-фарқу байнал ватанил аслийи ва ватанил иқомати» («Асл ватан билан иқома (вақтинчалик) ватан ўртасидаги фарқ). Саҳифаланган илмий

иш, 2009 йили Нидерландиядаги «Инсоний илмлар» журналида нашр этилган;

27. «Ал-қиёсу индал ҳанафийяти би тариқатин муосиратин» («Замонавий йўл билан бўлган ҳанафийлар наздидаги қиёс»), илмий иш;

28. «Ал-мабодиу вал усусу лил муомалотил молийятил фикҳийя» («Фикҳий молиявий муносабатларнинг асос ва пойдеворлари»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Ҳиндистон фикҳ академияси қошидаги «Ал-Мудаввана» журналида чоп этиш учун қабул қилинган;

29. «Мухолафотул имомил Қудурий фий мухтасариҳи» («Имом Қудурийнинг ўз мухтасаридаги ихтилофлари»), илмий иш;

30. «Мадҳус саъйи ва заммил битолати ли Ибн Камол Бошо» («Ибн Камол Пошонинг «Ҳаракатчанликни мақташ ва дангасаликни қоралаш» асари). Ўрганиш ва таҳқиқ, саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Ҳиндистон фикҳ академияси қошидаги «Ал-мудаввана» журналида чоп этиш учун қабул қилинган;

31. «Ал-масоилил мухолифа ли расмил муфтий фий мухтасарил Қудурий» («Қудурийнинг мухтасаридаги «Расмул муфтий» («Муфтийнинг режаси») асарига зид масалалар»). Саҳифаланган илмий иш, «Диросату улумиш шаръийяти вал қонуни» («Шариат илмлари ва қонунни ўрганиш») журналида чоп этиш учун қабул қилинган (Иордания университети, 2015 й.);

32. «Муқаддиматус салот» («Намоз муқаддимаси»). Ўрганиш ва таҳқиқ, саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Саудия Арабистони мамлакатининг Қасим илмий университети журналида чоп этиш учун қабул қилинди;

33. «Минҳожул уламои фит таълийфи фий фикҳил ихтилофи» («Ихтилофлар фикҳи борасида китоб ёзишдаги уламолар манҳажлари»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Туркия «Сакаря» университетининг «Ислом илмлари усули» журналида нашр этиш учун қабул қилинган;

34. «Манҳажул имомиш Шурунбулолий фий мароқил фалоҳ» («Мароқил фалоҳ» асрида Имом Шурунбулолий танлаган манҳаж»), илмий иш;

35. «Манҳажул имомил Қудурий фий мухтасариҳи» («Ўзининг «Мухтасар» асарида имом Қудурий танлаган манҳаж»), илмий иш;

36. «Вазоифил мужтаҳидийна индал ҳанафийяти» («Ҳанафийлар наздида мужтаҳидларнинг вазифалари»). Саҳифаланган илмий иш, 2015 йили Ноблусдаги «Ан-Нажоҳ» университетининг «Инсоний илмлар» журналида нашр қилиш учун қабул қилинган;

Конференциялардаги илмий мақолалар:

1. «Асарул имомил кавсарий фий нусрати ва таъйидил мазоҳибил фикҳийятис суннийя» («Сунний фикҳий мазҳабларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлашга Имом Кавсарийнинг таъсири»). «Муҳаммад Зоҳид Кавсарий» халқаро конференциясига тақдим қилинган, 24-25/11/2007, саҳифаланган ва хос журналда нашр қилинган;

2. «Таъсилу закоти духулил муваззафийна вал миҳанил ҳуррати фил мазҳабил ҳанафийи қавоид ва татбийқот» («Ҳанафий мазҳабида ходимларнинг даромадлари ва мустақил фаолиятдан тўланадиган закот борасидаги асослар, қоида ва амалиёт»). 2011 йили Ноблус шаҳрининг «Ан-Нажоҳ» университетидаги шариат факультетида ўтказилган «Ходимларнинг даромадлари ва мустақил фаолиятдан тўланадиган закот» деб номланган закот мавзусида ўтказилган конференцияга тақдим этилган;

3. «Давру уламоиш шариъати фин нуҳузи бид диросотил жомиййяти фил Урдун» («Иорданияда университет таълими орқали шариат уламоларининг тикланишдаги роли»). «Шариат уламолари ва уларни Иорданиянинг тикланиши ва қурилишидаги роли» номли Иордания уламоларининг биринчи конференциясига тақдим қилинган, 14-15/5/2015;

4. «Давру мақосидиш шариъа фий татвийрит тамвийлил исломий» («Исломий молиялаштиришни ривожлантиришда шариат мақсадларининг тутган ўрни»), 2014 йили Фаластинда ўтказилган «Исломий молиялаштириш, унинг моҳияти, шакли ва келажаги» номли бешинчи халқаро Байтул Мақдис ислом конференциясига тақдим этилган;

5. «Назаротун фий таквийнил малакатил фикҳийяти ва исҳомотул имоми Абдил Ҳай ал-Лакнавий фийҳо» («Фикҳий малака пайдо қилиш борасида назарлар ва Имом Абдулҳай Лакнавийнинг унга қўшган ҳиссалари»), Фиранжий Маҳал/Лакну уламолар клуби конференциясига тақдим этилган, 2011 й.

Илмий мақолалари:

Газета ва журналларда чоп этилган илмий мақолалари жуда кўп. Шулардан баъзилари қуйидагилар: «Мутъа никоҳига шаръий назар», «Саҳобаларнинг адолатли эканига мўтабар назар», «Эр-хотин ўртасидаги никоҳдан олдинги алоқалар», «Ҳасад – бедаво дард», «Вақтни ғанимат билиш», «Фиқҳни ўрганиш ва илм олиш борасидаги энг тўғри йўл ва унинг шартлари», «Илмнинг фаноси ва қадимий китобларга қайтиш», «Уламоларнинг гўшти заҳарлидир», «Мусулмоннинг ташвиши», «Араб ҳарфларининг ҳурмати», «Ҳимматнинг олийлиги», «Қариндошларга уйланишга шаръий назар», ««Саҳиҳайн» (Бухорий ва Муслимнинг икки «Саҳиҳ» асарлари) ҳадисларининг саҳиҳлиги ва уларга амал қилиш», «Табассум – мусулмоннинг хулқи», «Такаббурлик ва унинг давоси», «Фатвога журъатли бўлиш ва ундан қутулиш йўли», «Мазҳабни тут, мутаассиб бўлма», «Фитна қатлдан қаттиқ», «Мусулмоннинг зиммасидаги вожиб нарса – унинг илм олиши», «Мусулмонлар жамоаси – омма ва хослар», «Инсоний алоқалар улардан фикрий таъсирланиш дегани эмас», «Кофирга чиқариш фитнаси ва ундан қутилиш йўли», «Олим ўзи ким?» ва ҳоказо.

Илмий ҳамкорлик ва илмий раҳбарлик қилиш:

Исломий илмлар университетидagi ўнлаб магистрлик ва докторлик ишларида илмий ҳамкорлик ва илмий раҳбарлик қилиш:

1. Илмий раҳбарлигим остидаги илмий ишлар:

«Молиявий муносабатларда саҳобанинг сўзининг таъсири», Магистр талабаси Омина Кабийсий, 2011 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», Кул озод қилиш китобининг бошидан қасамлар китобининг охиригача, ўрганиш ва таҳқиқ, магистратура талабаси Оёт Аднон Ваҳҳоб Ал-Оний, 2013 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», «Баъй китоби», ўрганиш ва таҳқиқ, магистратура талабаси Ҳотам Аз-Зорий, 2013 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», ижара, шуфъа, қисмат, ҳиба китоблари. Ўрганиш ва таҳқиқ, магистратура талабаси, Ҳотам Аш-Шамрий, 2013 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», ҳаж ва никоҳ китоблари. Ўрганиш ва таҳқиқ, магистратура талабаси Муно Харийша, 2014 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», эмизиш китобидан зиҳор китобигача. Ўрганиш ва таҳқиқ, магистратура талабаси Носир Ал-Мувсилий, 2013 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», зиҳордан талоқнинг охиригача. Ўрганиш ва таҳқиқ, магистратура талабаси Майдон Ал-Мувсилий, 2014 й.;

«Тақийюддин Шумуннийнинг «Камолуд дироя фий шарҳин нуқоя» асари», «Таҳорат» ва «Намоз» китоблари. Докторлик иши, докторантура талабаси Кувжа, 2010 й.;

«Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан қайтган фикҳий раъйлар, ҳанафийлар ва уч мазҳаб фақиҳларининг раъйлари билан таққослаш». Докторантура талабаси Ромий Сулҳаб, 2015 й.;

«Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи», «Қулларнинг никоҳи» бобидан «Ражъат» (талоқни қайтиб олиш)» бобигача. Докторантура талабаси Ҳамза Аз-Зайюд, 2014 й.;

Айнийнинг «Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи» асари, «Таҳким» (бировни ҳакам қилиш) бобидан «Даъво» китобигача. Докторантура талабаси Абдуллоҳ Аз-Зайюд, 2014 й.;

«Ислом банкларидаги омонатларнинг ривожига ташқи ва ички омилларнинг таъсири». Докторантура талабаси Марвон Халийфот, 2015 й.;

«Ислом банкларига бозор ҳиссасининг таъсири». Докторантура талабаси Умар Ал-Лийбий, 2015 й.;

Ҳусомиддин Сағфонийнинг «Ан-Ниҳоя фий шарҳил ҳидоя» («Ҳидоя» асарига «Ниҳоя» номли шарҳ»), «Фосид баъй» бобидан «Ҳавола» китобининг охиригача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Фоиқ Ал-Кабийсий, 2015 й.;

Ҳусомиддин Сағфонийнинг «Ан-Ниҳоя фий шарҳил ҳидоя» («Ҳидоя» асарига «Ниҳоя» номли шарҳ»), «Ижара» китобидан «Шуфъа» китобининг бошигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Илҳом Мустафо, 2015 й.;

Имом Ҳусомиддин Умар ибн Мозанинг «Фатавои суғро» асари, Ал-Хосийнинг тартиби асосида, китобнинг бошидан «Ваколат» китобигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Сумайра Ал-Иззат, 2015 й.;

Айнийнинг «Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи» асари, «Сувлар» бобидан «Ҳайз» бобигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Шақиқ Ал-Ҳайса, 2015 й.;

Ҳамкорликдаги илмий ишларим:

Имом Кодурийнинг «Жомиъул музмароти вал мушкилоти ли шарҳи мухтасарил имомил Қудурий» асари, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Самийр Ҳижозий, 2011 й;

Имом Кодурийнинг «Жомиъул музмароти вал мушкилоти ли шарҳи мухтасарил имомил Қудурий» асари, «Иқрор» китобидан «Эмизиш» китобининг охиригача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Баро Ал-Оний, 2012 й.;

«Ислом банкларидаги жавобгарликларнинг сабаблари ва қўлланиладиган ҳимоя усуллари», ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Иброҳим Ан-Нусур, 2014 й.;

«Ислом банкларида салам савдоси орқали молиялаштириш хатарларининг олдини олишнинг шаръий воситаларини татбиқ қилиш борасида таклиф этилган намуналар». Докторантура талабаси Қайс Ғувма, 2014 й.;

«Усул ва мантиқ уламолари наздидаги таноқуз (нумувофиқлик) ва унинг иккиламчи масалаларга таъсири». Докторантура талабаси Аҳмад Сайёҳ, 2014 й.;

«Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи» асари, «Ижара» боби. Докторантура талабаси Аҳмад Ваҳдон, 2014 й.;

«Ислом банкларида амалга ошириладиган мулк қилиб бериш билан тугалланадиган ижара битимларидаги муаммолар, уларни тўғрилаш борасидаги таклифлар». Докторантура талабаси Алий Аз-Заволий, 2014 й.;

«Тобелик қоидалари ва уларнинг замонавий молиявий масалаларга таъсири». Докторантура талабаси Закариё Малковий, 2014 й.;

«Акцияларга жалб қилинган инвестициялардан келадиган даромадларни поклашнинг бухгалтерияга ва шариатга доир меъёрлари ва уларни ислом

банкларига илмий жиҳатдан татбиқ қилиш». Докторантура талабаси Фуод Абда, 2014 й.;

«Закотдан қочиш борасидаги ҳийлалар», фикҳий қиёсий ўрганиш. Докторантура талабаси Абдуссамий Ал-Қавосима, 2014 й.;

«Битим тақозоси доирасидага мулк қилиб бериш билан ниҳояланадиган ижара битимининг келишув шартлари билан бошқариш асослари», Иордания ислом банклари амалиётини ўрганиш. Докторантура талабаси Маҳмуд Аббос Абу Исо, 2015 й.;

Айнийнинг «Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи» асари, «Қийматлаб бўлмайдиган нарсани ғасб қилиш» бобидан музораат (экин экишдаги шерикчилик) китобигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Муҳиддин Маҳмуд Ҳусайн, 2015 й.;

Сағфонийнинг «Ан-ниҳоя фий шарҳил ҳидоя» асари, «Никоҳ» китобининг бошидан «Зиҳор» бобининг бошланишигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Исмоил Нажмиддин, 2014 й.;

Розийюддин Сарахсийнинг «Ал-важийз фил фатово» («Қисқача фатволар тўплами») асари, насабни даъво қилиш китобидан «Фароиз» («Мерос») китобининг охиригача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Аммода Муҳаммад Алий, 2015 й.;

«Ан-ниҳоя фий шарҳил ҳидоя» асари, қироат борасидаги фаслнинг аввалидан «Икки ийд» бобининг бошланишигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Абдурраҳмон Бағдодий, 2014 й.;

Розийюддин Сарахсийнинг «Ал-важийз фил фатово» (Қисқача фатволар тўплами) асари, касб китобининг аввалидан каффоратлар китобининг охиригача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Солиҳ Муҳаммад Ҳамд, 2015 й.;

«Иордания расмий университетларининг молиявий муаммоларини ҳал қилиш йўлида олий таълим имкониятларини ҳимоя қилиш кўлами». Докторантура талабаси Зуҳайр Ҳусайн Ан-Нотур, 2015 й.;

Бадриддин Айнийнинг «Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи» асари, «Ҳайз ва истиҳоза» бобидан «Намознинг тартиби» бобигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Найийъ Абодий Минаж, 2015 й.;

Бадриддин Айнийнинг «Ал-биноя (бино), «Ҳидоя»нинг шарҳи» асари, «Вало» бобининг аввалидан «Баҳолаб бўлмайдиган нарсаларни ғасб қилиш» бобигача, ўрганиш ва таҳқиқ. Докторантура талабаси Ҳусом Ал-Банавий, 2016 й.